СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАСНИФЛАШ БЎЙИЧА АЙРИМ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР

М.М. Назиров

Мақолада сиёсий жараёнларни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин этиш ва уларни таснифлаш бўйича бир қатор концепциялар кўриб чиқилган. Мазкур концепцияларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *сиёсий жараён, концепция, сиёсий тизим, сиёсат субъектлари, демократия, консенсус, қадрият.*

В статье рассмотрен ряд концепций по интерпретации и классификации политических процессов как социальное явление. Подвержены анализу специфические черты и аспекты этих концепций.

Ключевые слова: *политический процесс, концепция, политическая система, политические субъекты, демократия, консенсус, ценности.*

The article considers a number of conceptions on interpretation and classification of political processes as a social phenomenon. It studied specific matters and aspects of these conceptions.

Key words: *political process, conception, political system, political actors, democracy, consensus, value.*

Маълумки, жаҳон сиёсатшунослигида сиёсий жараёнларни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин этиш ва туркумлаш бўйича кўплаб концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилган. Мавжуд концепцияларда сиёсий жараён ҳодисасига қадриятлар, маданий хилма-хиллик, сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услублари нуқтаи назаридан ёндашилгани ҳамда унинг кўлами, фаолияти, субъектлари, субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқалар характери ва ҳоказолар бўйича таснифланганини кўриш мумкин.

Жумладан, америкалик олим Л.Пай сиёсий жараённи сиёсий ва социал субъектлар томонидан ўз сиёсий функцияларини бажариш борасида амалга оширадиган ҳамкорлиги, деб таъкидлаган [1] ҳамда шу асосда сиёсий жараённи таснифлаш моделини илгари сурган. Хусусан, у ўзининг “Ғарбга мансуб бўлмаган сиёсий жараён” [2] номли мақоласида Ғарб ва Ғарбга мансуб бўлмаган жамиятлардаги сиёсий жараёнларни солиштириб, улар ўртасидаги 17 та банддан иборат принципиал тафовутларни аниқлаган. Мазкур концепция маҳаллий аҳолининг хулқ-атворини белгилаб берувчи сиёсий маданият ҳамда Ғарбга мансуб бўлмаган мамлакатларнинг цивилизациявий хусусиятлари заминига қурилган. Л.Пай фикрича, маданиятлардаги фарқлар нима учун демократия Ғарб жамиятлари ривожининг маҳсули экани ва нима учун демократия ғоялари Ғарбга мансуб бўлмаган жамиятлар турмуш тарзига бегоналиги ва у ерда ўзлаштирилиши қийинлигини тушунишга имкон беради [3].

Таъкидлаш жоизки, Л.Пай сиёсий жараённинг Ғарб ва Ғарбга мансуб бўлмаган турларини ажратиб кўрсатганига қарамай, Ғарб дунёси ҳам бир хил эмас. Америкалик олим асосан мада-

ний бирлиги билан ажралиб турувчи англосаксон мамлакатларидаги демократияни назарда тутган бўлса-да, Ғарб дунёсида этник, диний ва маданий хилма-хилликка эга жамиятлардан иборат мамлакатлар ҳам борки, уларда сиёсий жараён англосаксон мамлакатлардаги жараёнлардан фарқ қилади. Россиялик олим В.Крайтерман таъкидлашича, “Ғарб цивилизацияси нуқтаи назаридан Ғарбга мансуб бўлмаган мамлакатларни қарама-қарши қўйишга асосланган Л.Пай концепцияси Бельгия, Люксембург, Швейцария (ҳатто Франция ва Германия) каби тил, миллат ва дин плюрализми билан характерланадиган мамлакатларнинг жамиятларини таҳлил қилишда ўз маъно-мазмунини йўқотади. Чунки бу мамлакатлардаги сиёсий жараёнлар АҚШ ва Буюк Британиядагидан кўра мураккаброқ шаклга эга” [4].

Жаҳон сиёсатшунослигидаги сиёсий жараёнларни таснифлаш бўйича яна бир модель уларни горизонтал ва вертикал шаклда талқин этишга асосланади. Сиёсий жараёнларнинг бундай тарзда таснифлашни Ғарб жамиятидаги сиёсий маданиятнинг ноэтатистик (демократик) ва этатистик (технократик, элитар)* турлари тақозо этади.

Горизонтал тарзда ташкил қилинган сиёсий жараёнлар рационал фаолият юритувчи субъектлар: ҳукуматлар, сиёсий партиялар, муассасаларнинг ўзаро ҳамжиҳатликдаги фаолиятидан иборатдир [5]. Бундай сиёсий жараёнда асосий иштирокчилар тенглиги ва нисбатан автономлиги эътироф этилади. Сиёсий жараённинг барча иштирокчилари ягона ахлоқий талаблар ва ҳуқуқий меъёрларга таянган ҳолда, умумий қоида бўйича фаолият юритадилар. Шу билан бирга, барча муҳим қарорлар ўзаро ён босиш, қарашлар ва позицияларни мувофиқлаштириш натижасида қабул қилинади. Америкалик олим Р.Даль бундай тарзда фаолият юритадиган сиёсий тизимни полиархия (сиёсий етакчи ва ҳукумат томонидан ҳеч бир стратегик қарор касаба уюшмалари, тадбиркорлар, фермерлар ва бошқалар билан маслаҳатлашмасдан қабул қилинмайдиган сиёсий тузум. – *муаллиф изоҳи*), деб номлаган эди [6].

Горизонтал сиёсий жараённинг олий мақсади барча иштирокчиларнинг кўптомонлама маслаҳатлашувлари орқали муҳим сиёсий қарорлар қабул қилишдир [7]. Таъкидлаш жоизки, бундай сиёсий жараёнда ноэтатистик қадриятлар тизимига хос бўлган эркинлик, ҳуқуқ, консенсус каби қадриятлар устуворлик қилади. Шу сабабли сиёсий жараённинг бу тури муносиб сиёсий маданият шаклланган демократик мамлакатларда бўлиши мумкин.

Бунинг акси бўлган вертикал ташкиллаштирилган сиёсий жараёнда мамлакат етакчиси ўз мавқеини ҳар томонлама шакллантириш ва мустаҳкамлашга интилади. Бу эса халқда қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга итоат этиш, масъулият каби қадриятларни қарор топтиришга оид турли чора-тадбирлар орқали амалга оширилади. Ўз навбатида, жамият аъзолари, фуқаролар ҳокимият нуфузини тан оладилар, ҳукумат эса жамият аъзоларига муайян ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди. Таъкидлаш жоиз, бундай сиёсий жараёнда бошқарувнинг рационаллик, конструктивлик элементлари кучли бўлади, чунки ҳокимият тузилмалари жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳлари талаб ва эҳтиёжларини аниқ ҳаракат дастурига киритишга қодир бўладилар.

Умуман олганда, сиёсий жараёнларга нисбатан ҳар икки ёндашув кўп ҳолларда шартли равишда қўлланади, чунки амалиётда улар бир-бири билан аралашиб кетади ва соф ҳолатда жуда кам учрайди. Аммо “сиёсий жараён” тушунчасидан ҳар икки контекстда фойдаланиш, бизнингча, ноэтатистик ва этатистик қадриятлар доирасида юзага келадиган сиёсий муносабатларнинг ўзига хос белгиларини идрок этишга имкон беради.

Сиёсий жараёнда сиёсий ҳаётнинг маданий тизими, устувор меъёрлари ва қадриятларига асосланган талқин билан бир қаторда унга қарор ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича стандарт процедуралар нуқтаи назаридан ёндашилган, “сиёсий усул” деб юритиладиган талқини ҳам мавжуд. Ғарбий Европа мамлакатларида олиб борилган сиёсатнинг усулларини чуқур таҳлил қилган европалик олимлар Ж.Ричардсон, Г.Густафсон, Ж.Жордан “Ғарбий Европадаги сиёсий усуллар” номли мақолалар тўпламида сиёсий усулларни икки мезон асосида таснифлашни таклиф этадилар [8]. Биринчи меъёр ҳукуматнинг сиёсий муаммоларни ҳал этишга бўлган ёндашувига асосланади. Бу ҳукуматнинг долзарб муаммоларга нисбатан билдирган муносабатларидаги характерли жиҳатларни ўзида акс эттиради. Иккинчи меъёр ҳукумат ва сиёсий жараённинг бошқа иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни кўзда тутади. Бу муносабатлар сиёсий қарорларни консенсус асосида ёки босим остида қабул қилиш анъанасини характерлайди.

Мазкур меъёрлар асосида муаллифлар сиёсий жараённинг тўрт турини ажратиб кўрсатадилар: биринчиси – консенсусли тури, у сиёсий муаммоларга пассив муносабат билдиришга асосланади; иккинчиси ҳам – консенсусли тури, аммо у муаммоларни баён этиш ва ҳал этишда фаол бўлишни кўзда тутади; учинчиси – фаол тури, у давлатнинг ижтимоий гуруҳларнинг муаммолари-

ни ҳал этишда ҳам, уларнинг манфаатларини бирлаштиришда ҳам фаоллиги билан белгиланади; тўртинчиси – жавоб берувчи тури, у муаммоларни қўйишда пассив, лекин долзарб масалаларни ҳал этишда фаол, шунинг учун манфаатдор гуруҳлар қаршилигини енгишга асосланади [9].

Бизнингча, Ғарбий Европа мамлакатларидаги тарихий анъаналар ва субмаданиятлар хилма-хиллиги шароитида улардаги сиёсий жараённи бундай оддий чизмага жойлаштириш мумкин эмас. Аммо ҳозирги глобаллашув чуқурлашиб бораётган шароитда жаҳон мамлакатларида сиёсий ҳаётнинг бир хил шаклга келиши, яъни унификацияси тенденциясининг барқарор хусусият касб этаётгани сиёсий жараённи таснифлаш имкониятини бермоқда. Бу эса сиёсий ҳаётнинг муайян жиҳати билан ажралиб турувчи аввалги соҳалари ўртасида чегара йўқолиб бораётгани билан изоҳланади. Сиёсий ҳаётга янги сиёсий кучлар (масалан, янги ижтимоий ҳаракатлар, хусусан, “Яшиллар” ҳаракати) кириб келмоқда ва улар сиёсий иштирокнинг ноанъанавий шаклларидан фойдаланишмоқда. Бу эса сиёсий қарор қабул қилишнинг бирламчи қоидаларига зид келмоқда.

Бундан ташқари, Ғарбий Европа демократиясида охирги вақтларда манфаатдор гуруҳлар ва бюрократия бирлашуви натижасида ўзида маданий бирликни акс эттирувчи алоҳида сиёсий синф шаклланмоқда. Ушбу гуруҳ вакиллари томонидан сиёсат консенсусга эришишнинг оқибати сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам уларда консенсус бош мақсад деб тан олинади. Ж.Ричардсон, Г.Густафсон, Ж.Жордан илгари сурган ушбу модель асосида олиб борилган тадқиқотларда сиёсий жараённинг алоҳида, барқарор ўз-ўзини ташкил этувчи шаклларини топиш ва бу орқали муайян жамиятларда сиёсий усулларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга муваффақ бўлинди.

Таъкидлаш лозим, ўтиш даврини бошдан кечираётган жамиятларда, сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услубларига кўра, сиёсий жараён уч турга бўлинади: технократик (қонунчилик ва сиёсий анъаналар доирасида), идеократик (анъанавий жиҳатларга хос, умуммиллий ғоя асосида бирлаштириш) ва харизматик (Шарқ маданиятида сиёсий етакчи ролига юқори баҳо берилади).

Шунингдек, бугунги кунда сиёсий жараёнлар бир-биридан кўлами, фаолияти, субъектлари, субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқалар хусусияти ва ҳоказолар бўйича фарқ қилиши нуқтаи назаридан уни туркумлашнинг турли критерияларга асосланган яна бир қатор усуллари мавжуд.

Жумладан, сиёсий жараёнларнинг кўламига кўра, бир нечта турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу, аввало, кундалик сиёсий жараёнлар бўлиб, улар биринчи навбатда, индивид, бир гуруҳ ва қисман институционал субъектларнинг бевосита ўзаро алоқалари билан боғлиқ бўлади. Мисол тариқасида парламентлардаги қонунчилик жараёнини келтириш мумкин.

Сиёсий жараённинг иккинчи тури бу тарихий-сиёсий жараён бўлиб, унда йирик субъектлар – асосан гуруҳлар ва институтлар иштирок этади. Бу жараёнлар бирон-бир тарихий воқеа содир этилиши билан боғлиқ бўлади. Бундай сиёсий жараёнга мисол тариқасида бирон-бир партиянинг пайдо бўлиши ва ривожланишини кўриб чиқиш мумкин.

Ниҳоят, сиёсий жараёнларнинг учинчи тури – бу эволюцион сиёсий жараёнлар бўлиб, улар йирик субъектлар (институтлар, сиёсий тизимлар) иштироки билан характерланади ҳамда катта ҳажмдаги вақт бирликлари билан ўлчанади. Бундай жараёнларга босқичма-босқич сиёсий ислоҳотлар натижасида сиёсий тизим модернизацияси ёки демократик бошқарувнинг қадрият кўринишини олиши ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Бинобарин, Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, “... ҳаётимиз тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, худди шу каби жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш бир муддатлик иш эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир” [10].

Сиёсий жараёнларнинг предмет соҳаларидаги фарқлар асосида алоҳида турларини ажратишнинг бошқа концепциялари ҳам мавжуд. Жумладан, россиялик олим А.Соловьев ижтимоий муносабатларни сиёсий тартибга солишнинг у ёки бу шаклининг жамият учун аҳамияти нуқтаи назаридан сиёсий жараёнларни асосий ва перифериядаги (ҳудудлардаги) турларга бўлади. Асосий жараёнлар сиёсий ҳаётнинг тизимли хусусиятлари ўзгаришига (масалан, давлат бошқаруви тузилмаларининг шаклланиш жараёнига) асосланади. Перифериядаги жараёнлар эса давлат бошқарувининг устувор шакллари ва усулларига принципиал таъсир кўрсатмайдиган, унчалик катта бўлмаган ўлчамлардаги ўзгаришларни англатади [11].

Бундан ташқари, А.Соловьев сиёсий жараёнларнинг очиқ ва ёпиқ турларини ажратади. Ёпиқ сиёсий жараёнлар “яхши-ёмон”, “мақбул-номақбул” ва шу каби бошқа меъёрлар доирасида аниқ баҳоланиши мумкин бўлган ўзгаришлар турини англатади. Очиқ сиёсий жараёнларда

эса мавжуд ўзгаришлар субъект учун ижобий ё салбий характер касб этишини ёки мавжуд стратегиялардан қайси бири истиқболда афзалроқ бўлишини фараз қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, бу турдаги жараёнлар ўта мавҳум ва ноаниқ шароитлардаги ўзгаришларни тавсифлайди, яъни режалаштирилган ва амалга оширилаётган ҳаракатларда фаразийлик даражаси юқори бўлади [12].

Шунингдек, сиёсий жараённи унинг динамикаси ҳамда жамият билан ҳокимият ўртасидаги муносабатга кўра таснифлаш бўйича ҳам концептуал қарашлар мавжуд. Уларнинг асосида сиёсий воқеликнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши ва сиёсий фаолликнинг изчиллик билан ўзгариб бориши тўғрисидаги умумий ғоя ётади. Америкалик олимлар Г.Алмонд ва Г.Пауэлл илгари сурган концепцияда сиёсий жараён кечишининг амал қилиш ва ривожланиш тартиблари кўрсатилади [13].

Унга кўра, сиёсий жараённинг амал қилиш тартиби – бу сиёсий институтларнинг барқарор фаолияти, давлат ҳокимияти томонидан анъанавий бошқарув услубларининг қўлланиши, сиёсий процедураларнинг (конституциявий, қонунчилик, сайлов ва бошқа тадбирлар) бир маромдаги ҳаракати, барча сиёсат субъектларининг кутилажак хатти-ҳаракати давридир.

Сиёсий жараённинг ривожланиш тартиби сиёсий институтлар фаолиятида бирмунча кескин ўзгаришларни англатади. Бу ўзгаришлар ҳам инқилобий, ҳам ислоҳотчиликка оид бўлиши мумкин. Инқилобий ўзгаришлар сиёсий тизим асосларини (ҳокимиятнинг амалга ошириш хусусияти ва усулини, сиёсий бошқарув турини, сиёсатнинг энг муҳим субъектлари роли ҳамда ўрнини ва бошқаларни) ўзгартиради. Ислоҳотчилик ўзгаришлари эса сиёсий тизимнинг алоҳида томонларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Таъкидлаш жоизки, баъзан сиёсий тизимдаги инқилобий ўзгаришларга тинч, ислоҳотчилик йўли билан ҳам эришилади. Бунга XX асрнинг 80-йиллари охири – 90-йиллари бошида Шарқий Европада собиқ Совет иттифоқи парчаланиши натижасида юзага келган янги мустақил давлатлардаги ўзгаришлар мисол бўла олади. Шу ўринда инқилобий ва ислоҳотчилик жараёнларининг бирлашишини британиялик олим Т.Гартон-Эш “рефолюция” деб атаган эди [14].

Сиёсий жараён ривожланишига оид америкалик олим Д.Истон илгари сурган универсал концепция ҳам диққатга сазовордир. Д.Истон фикрича, сиёсий жараён натижасида жамиятнинг институционал тизими янги ҳолатларга мослашиб, ўзини-ўзи янада қайта ташкил қилиб, ўзгариб боради. Шу боис у сиёсий жараён бир-бири билан боғлиқ бўлган тўрт босқичдан иборат бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Булар қуйидагилар: сиёсий тизимнинг шаклланиши; мавжуд сиёсий тизимнинг фаолият юритиши; сиёсий тизимнинг ривожланиши; сиёсий тизим ривожининг пасайиши [15].

Умуман, кўриб чиқилган концептуал ёндашувлар сиёсий жараённи илмий билиш доирасида турлича ўрганиш мумкинлигини кўрсатиб беради. Зеро, сиёсий жараён турфа хил жамиятларнинг сиёсий, ижтимоий, тарихий-маданий ўзига хос хусусиятлари, қадриятлар тизими, ривожланиш даражалари ва бошқа кўплаб жиҳатларга кўра таснифланади. Шу сабабли юқоридаги концепциялар сиёсий жараённи мураккаб ички боғланишга эга бўлган, кетма-кет рўй берувчи, кенг қамровли сиёсий воқелик ва ҳодиса сифатида талқин этиш, унинг моҳиятини идрок этиш ва шу асосида тадқиқотлар олиб боришга имкон беради.

Адабиётлар:

1. Радугин А.А. Политология. – М.: Библионика, 2008. – С. 302.

2. Пай Л. Незападный политический процесс \пер. Семилетова Н. // Политическая наука.– М. -2003. -№ 2. -С. 66-85.

3. Мухаев Р.Т. Политология: учебник для вузов. -М.: Приор, 1998. -С. 348.

4. Крайтерман В.С. Политология: Учебное пособие для высших учебных заведений.– М.: МГУТИИ, 2007. –С. 225.

5. Идиров У.Ю. Сиёсатшунослик: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДШИ, 2013. –Б. 118.

6. Даль Р. Полиархия, плюрализм и пространство // Вопросы философии. -1994. -№3.- С. 37-38.

7. Политология: Учебник. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2011.– С. 249.

8. Hustavson H., Jordan H. Styles of politics in Western Europe / Ed. by J.Richardson.– N.Y. -1998. –P. 104.

9. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология (ўқув қўлланма). –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 44.

10. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2015. –Б. 9.

11. Соловьев А.И. Политология. Политическая теория. Политические технологии. - М., 2000. -С.292.
12. Соловьев А.И. Политология. Политическая теория. Политические технологии. - М., 2000. -С.293.
13. Сравнительная политология сегодня: Мировой обзор. Г. Алмонд, Дж. Пауэлл, К. Стром, Р. Далтон. -М.: Аспект Пресс, 2002.
14. Constitutional “Refolution” in the Ex-Communist World: The Rule of Law // American University International Law Review. -Vol.12. -№1. -1997. –P. 45.
15. Политология. Ўқув қўлланма / Маъсул муҳаррир: с.ф.д., проф. С.Жўраев. – Т.: ТДЮИ, 2006. –Б. 50.

Тошкент давлат шарқшунослик институти
2015 йил 6 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: с.ф.д. У.Ю.Идиров)